# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 25 январь, № 17 (7247) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь куни 2019 йилда Тошкент шаҳрида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига оид маълумотлар билан танишди.**

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 21 декабрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида пойтахтимизга йирик бизнес вакиллари ва салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш, шаҳарда энг қулай инвестиция муҳитини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шунга мувофиқ, жорий йил 4 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрини инфратузилмавий ривожлантиришга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2019 йилда Тошкент шаҳри иқтисодиётига 2 миллиард 700 миллион доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш, бунинг эвазига 273 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Тақдимотда мазкур лойиҳаларнинг соҳалари ва жойлари, маблағларни ўзлаштириш муддатлари таҳлил қилинди.

Масалан, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш, фармацевтика, нефть-кимё ва бошқа саноат тармоқларида жами 115 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 103 та, тураржойлар йўналишида 55 та лойиҳа режалаштирилган. Бу 37 мингга яқин иш ўринлари яратиш ва аҳолининг маиший шароитларини янада яхшилаш имконини беради.

Президентимиз лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги ва ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Хорижий инвесторларга кўмаклашиш, лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини назорат қилиш бўйича кўрсатмалар берди.

Инвестиция бўлмаса, иқтисодиёт ривожланмайди. Инвесторларга муҳит, инфратузилма яратсак, иш жойи бўлади, маҳсулот кўпаяди, солиқ тушади. Корхоналарнинг фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 8 январь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестицияларнинг асосий қисмини ўзлаштиришни йилнинг охирги ойларига қолдириш амалиётига чек қўйиб, барча тармоқлар ва ҳудудларда буни биринчи ярим йилликда камида 35 фоизга, тўққиз ойликда 70 фоизга етказиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, Тошкент шаҳрида ҳам жорий йилги инвестицияларнинг 70 фоизини I — III чоракларда ўзлаштириш режалаштирилган. Ҳар бир лойиҳанинг босқичлари, масъуллари ва муддатлари аниқ белгиланган.

Тақдимотда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мониторинг ва назорат қилиш механизми ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Унга кўра, Тошкент шаҳар прокуратураси бошчилигида пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ишчи гуруҳлар тузилган. Инвесторларга ер ажратилишидан бошлаб, лойиҳа фойдаланишга топширилгунча бўлган барча босқичдаги чора-тадбирлар аниқ белгилаб қўйилган. Бу лойиҳаларни расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида шаффофлик, ҳалоллик таъминланади, коррупцияга йўл қўйилмайди.

Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, уларни амалга оширишда юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш, корхоналар ишга тушгандан кейин ҳам уларнинг самарали фаолият кўрсатишига ёрдам бериш зарурлигини таъкидлади.

Тошкент иқтисодиётига доир яна бир янгилик — Сергели туманида 100 гектардан зиёд ҳудудда Европа стандартлари бўйича замонавий индустриал технопаркни ишга тушириш режалаштирилган. Бунинг инвесторлар учун қулайлиги шундаки, барча бино-иншоотлар тўлиқ тайёр ҳолда топширилиб, зарур инфратузилма билан таъминланади.

Бугунги кунда технопаркни лойиҳалаш ишлари бошлаб юборилган, ҳозирданоқ 85 фоиз ер тадбиркорларга ажратиб берилган. Бу ерда 10 мингдан ортиқ иш ўринлари яратиш мўлжалланган.

Мутасаддиларга технопаркни тезроқ ишга тушириш, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар сифатини ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини модернизация қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш тизимини тажриба тариқасида профессионал бошқарув компанияларига ўтказиш лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.

Юнусобод туманида 1 минг 212 та кўп қаватли уй бор. Режага кўра, ушбу уйларга хизмат кўрсатиш профессионал бошқарув компанияларига берилади. Бунинг натижасида тизимдаги молиявий ҳолатни соғломлаштириш, муаммоли кредитларни ҳал этиш, моддий-техника базани мустаҳкамлашга эришиш кўзда тутилган. Шундай бўлгач, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш ҳам яхшиланади, туну кун ишлайдиган авария-диспетчерлик хизмати йўлга қўйилади.

Президентимиз кўп қаватли уйларнинг ҳолати, одамларнинг розилиги бу тизимга боғлиқ эканини таъкидлаб, ушбу тажрибани шаҳарнинг бошқа туманларида ҳам татбиқ этиш, соҳага ихтисослашган кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Тошкент шаҳрида замонавий уйлар, меҳмонхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа иншоотлар барпо этиш, иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш, коммунал хизматлар бошқарув марказини ташкил этиш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли кўрсатмалар берилди.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси (кейинги ўринларда — Монополияга қарши курашиш қўмитаси) бошқарув ходимларининг чекланган сони **242** нафар, шу жумладан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони **75** нафар этиб белгилансин.

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг раисига:

зарур ҳолларда, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари тузилмасини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошқарув ходимларининг чекланган сонини тасдиқлаш;

Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

(Давоми 2-бетда).

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

**Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ташкилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ;

**Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг марказий аппарати тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда — Агентлик) бошқарув ходимлари чекланган сони **90** нафар, шу жумладан, Агентлик марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони **50** нафар этиб белгилансин.

Агентлик директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари тузилмаларини тасдиқлаш;

бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан Агентлик бошқарув мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

(Давоми 2-бетда).

---

**Эксклюзив интервью**

## Гужаратдаги келишувлар ижроси Андижон вилоятига нима беради?



***Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модининг таклифига биноан, шу йилнинг 17-18 январь кунлари ушбу мамлакатда амалий ташриф билан бўлиб, "Жўшқин Гужарат — 2019" IX халқаро инвестиция саммитида иштирок этди. Ҳиндистонга ташриф буюрган делегациямиз таркибида Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов ҳам бор эди.***

Мухбирларимиз мазкур ташриф давомида эришилган натижаларнинг аҳамияти ҳамда Андижон вилояти учун очилаётган янги имкониятлар ҳақида суҳбатлашди.

*— Шуҳратбек Қўшоқбоевич, давлатлараро муносабатлар доирасида минтақаларнинг ўзаро мулоқотини уюштириш амалиётини қандай баҳолайсиз?*

— Бу амалиёт Ҳаракатлар стратегиясига тўлиқ мос келади. Чунки унда марказ ваколатларини босқичма-босқич вилоятларга ўтказиш масаласи акс эттирилган. Мана, икки йилдирки, маҳаллий бюджетнинг ошириб бажарилган даромадлар қисми вилоят ҳокимлиги тасарруфида қолдириляпти. Бу эса ижтимоий муаммоларни мустақил ҳал этиш, сармоядорларни янада фаол жалб қилишга имкон беради.

Андижон вилояти ҳам кейинги вақтда Россия, Хитой, Беларусь ва бошқа яқин ҳамда узоқ мамлакатларнинг муайян минтақалари билан тўғридан-тўғри иқтисодий алоқалар ўрнатди. Жумладан, Беларусдаги компаниялар билан ҳамкорликда минитракторларни йиғиш ва велосипед ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

➡ 3

---

**ДУНЁ НИГОҲИ**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲИНДИСТОН УЧУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАРВОЗАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Жўшқин Гужарат — 2019" халқаро инвестиция саммитидаги иштироки Ҳиндистоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритилди.*

Жумладан, **"The Hindu" газетасида** Ўзбекистон Президенти ушбу нуфузли тадбирнинг асосий меҳмони сифатида қатнашганига урғу берилди. Қайд этилишича, саммитда Ўзбекистондан эътиборли инсонлардан иборат делегациянинг иштироки расмий Тошкентнинг расмий Нью-Деҳли учун алоҳида аҳамиятга эга эканлигини намоён қилди. Зеро, Ўзбекистон саммитда Марказий Осиёдан шерик сифатида қатнашган илк давлатга айланди. Форумга, шунингдек, Франция, Австралия, Дания, Канада, Япония, Нидерландия, Норвегия ва бошқа давлатлар вакиллари ҳам ташриф буюрди.

Ҳиндистондаги энг йирик иқтисодий газета — **"The Economic Times"** Ўзбекистон Ҳиндистонни нафақат иқтисодиётнинг у етакчилик қилаётган секторларида ҳамкорликни ривожлантириш, балки халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларда ўзаро мулоқотни мустаҳкамлаш учун муҳим шерик сифатида кўради. Ўз навбатида, Ўзбекистон Ҳиндистон учун Марказий Осиё дарвозаси бўлиб хизмат қилади, дея таъкидланади нашрда.

➡ 3

---

## ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

*Пойтахтимизда атроф-муҳит, иқлим ўзгариши ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги "Европа Иттифоқи — Марказий Осиё" 6-конференцияси ўз ишини бошлади. Унда Марказий Осиё, Европа Иттифоқи мамлакатларининг мазкур соҳадаги сиёсат учун масъул бўлган вазирликлари мутасаддилари, экспертлар ҳамда дипломатлар қатнашмоқда.*

**Халқаро конференция**

Таъкидлаш жоиз, 2009 йилда Римда ЕИ — Марказий Осиё ўртасида вазирлар даражасида ўтказилган юқори даражали анжуманда атроф-муҳит ва сув ресурслари соҳасида ўзаро ҳамкорлик платформаси фаолияти йўлга қўйилганди. Европа Иттифоқининг Марказий Осиё учун стратегияси доирасида ишлаб чиқилган ушбу механизм атроф-муҳит ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш соҳасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантириш, муайян лойиҳаларни амалга оширишда катта аҳамият касб этиб келмоқда.

➡ 3

---

## ТРАСТ ФОНДИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

*Орол муаммоси — олам муаммоси. Бугун денгизнинг қуриган тубидан кўтарилаётган чанг ва туз зарралари Ер юзининг энг чекка ҳудудларига ҳам етиб боряпти. Орол бўйидаги ҳолат эса янада мураккаб.*

**Тадбир**

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида дунё аҳли эътиборини яна бир бор мазкур масалага қаратиб, махсус харита орқали денгизнинг бугунги ҳолатини яққол кўрсатиб бериш баробарида, уни асраш инсоният учун қанчалик аҳамиятли эканлигини таъкидлаган эди.

Шундан сўнг ушбу йўналишдаги ишлар жонланди. Жаҳон ҳамжамияти нечоғли йирик ва оғир экологик муаммо олдида турганлигини англади. Бинобарин, БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди ташкил этилгани ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Кеча пойтахтимизда ушбу фонднинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Холмуродов, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Х. Фрейзер ва бошқалар айтиб ўтганидек, эндиликда Орол денгизи инқирозига халқаро доирада ҳам катта эътибор қаратилиб, глобал тус олган муаммонинг олдини олиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

➡ 3




*Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоасига сербиялик Любинко Друлович бош мураббий этиб тайинланди.*

*Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати томонидан маълум қилинишича, бу мутахассис билан 2020 йил Токиода ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларига қадар шартнома имзоланган. Кўриниб турибдики, Друловичнинг вазифаси жамоани ана шу нуфузли мусобақага олиб чиқиш. Бу йўлда унга ўзбекистонлик мутахассис Равшан Ҳайдаров ёрдам беради.*

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раҳбари ва Ўзбекистон футбол ассоциациясининг биринчи вице-президенти Умид Аҳмаджоновнинг айтишича, Р. Ҳайдаров Ўзбекистон олимпия жамоаси таркибидаги футболчиларни яқиндан билгани учун шундай йўл тутилган. Қолаверса, У. Аҳмаджонов жамоани мусобақага муносиб тайёрлаш учун барча шарт-шароит яратиб берилишини ҳам таъкидлаган.

— Авваламбор, менга билдирилаётган ишонч учун ўзим ва ёрдамчиларим номидан раҳмат айтаман. Биз биргаликда ҳаракат қилиб, Токио Олимпиадасига бориш учун бор салоҳиятимизни ишга соламиз. Умид қиламанки, ҳамкорлигимиз самарали бўлади, — дейди Друлович.

## Бу мутахассис ҳақида нималар маълум?

Любинко Друлович 1968 йилда туғилган. Ўз вақтида ярим ҳимоячи ва ҳужумчи амплуаларида тўп сурган.

Мураббийлик фаолиятининг дастлабки йилларида Португалия, Сербия, Словения жамоаларида ишлаган. 2010-2011 йилларда эса Анголанинг унча таниқли бўлмаган "Примейру де Агошту" клубига бош мураббий этиб тайинланади ва шу жамоа билан мамлакат Суперкубогида ғолиб чиққан.

2012 йилда Сербия (U19) терма жамоасига бош мураббий бўлган Любинко Друлович орадан бир йил ўтиб, шогирдлари билан Европа чемпионатида бош совринни қўлга киритган. (Булар Друловичнинг ҳозирги кунга қадар мураббий сифатида эришган энг яхши натижалари).

Шундан сўнг қисқа муддат Сербия ва Македония терма жамоаларига бош мураббий бўлган. Аммо айтарли натижага эриша олмаган. Масалан, Македония билан Европа чемпионати саралаш босқичида ўта муваффақиятсиз иштирок этгани учун истеъфога чиқарилган. Кейин Сербиянинг "Партизан" клубига, Бирлашган Араб Амирликлари (U19) терма жамоасига бош мураббийлик қилган.

## Ҳаммасини вақт кўрсатади...

Любинко Друловичнинг фаолиятидан кўриниб турибдики, гоҳ ёшлар, гоҳ катталар жамоаларида ишлаган. Шу ўринда табиий савол туғилади: нега айнан у танланди?

Бу масалага ойдинлик киритиш учун Ўзбекистон футбол ассоциацияси мутахассиси Ёқубжон Бобожоновга мурожаат қилдик. Унинг айтишича, сербиялик мутахассис жуда тажрибали, ёшлар билан ишлашни яхши билади. 2013 йилда Сербия (U19) терма жамоаси билан эришган муваффақияти Ўзбекистон ОТЖга жалб этишга асос бўлган...

У ўзига юклатилган вазифани қанчалик бажара олишини эса вақт кўрсатади, албатта.

Биз эса Любинко Друлович эришган ютуқлар ичида "Ўзбекистон ОТЖни Олимпиада ўйинларига олиб чиққан", деган натижа бўлишини истаймиз. Бу, шубҳасиз, ўзбек футболининг ҳам ютуғи бўлади.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!*

**Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сонли қарорига асосан,**

**«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» давлат унитар корхонаси**

**балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун сув ҳавзаси участкаларини ижарага бериш бўйича очиқ танлов ўтказилишини маълум қилади.**

**Танлов ташкилотчиси:** «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК.

**Дирекция манзили:** Жиззах вилояти, Арнасой тумани, «Ғолиблар» ШФЙ, «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК маъмурий биноси.
Тел.: 95-504-77-41 (42, 45, 46).
Тел./факс: 72-226-04-14.
Электрон почта: aydar.arnasoy@soliq.uz

**Танлов предмети:** Айдар-Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1 901,4 гектардан 2 091,7 гектаргача бўлган жами 66 та участкани балиқ овлаш хўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш учун 10 (ўн) йил муддатга очиқ танлов асосида ижарага бериш.

Талабгорлардан буюртманомани кўриб чиқиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир баравари миқдоридаги тўлов танлов ташкилотчисининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб берилади:
**«Ипотека-банк» АТИБ Жиззах вилояти филиали**
**х/р: 2021 0000 2007 4754 5001; МФО: 00122;**
**СТИР: 304 741 887;**
**«Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК**
**(буюртманомани кўриб чиқиш учун тўлов).**

**Танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёхуд почта орқали буюртма хат билан буюртманомани икки нусхада, кўриб чиқиш учун тўловнинг тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати билан бирга, қуйидаги ҳужжатларни дирекцияга тақдим этиши лозим:**

**1.** Танловда иштирок этиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза.
**2.** Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа.
**3.** Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуроллари, автотранспорт воситалари, балиқ ва балиқ воситаларини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиги ҳақида маълумотлар.
**4.** Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

**Танловда қатнашиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар дирекциядан қуйидаги ҳужжатлар ва маълумотларни олишлари лозим:**
**1.** Танловда иштирок этиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим қилинадиган ҳужжат ва маълумотлар рўйхати.
**2.** Танловда қатнашиш учун белгиланган тартибдаги буюртманома ва ариза намунаси.
**3.** Танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ва сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиги.
**4.** «Айдар-Арнасой кўллар тизими» участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига балиқ етиштириш ва овлаш учун ижарага бериш шартномаси лойиҳаси.

Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар дирекцияда танишишлари мумкин.

Ҳужжатлар Жиззах вилояти, Арнасой тумани, «Ғолиблар» ШФЙ, «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК маъмурий биносида, ҳафтанинг душанба — жума кунлари соат 9.00 дан соат 18.00 гача қабул қилинади.

***Талабгорларнинг танлов таклифлари жойланган конвертлар:***
**1.** 2019 йил 25 февраль куни соат 10.00 да Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 116-уй, Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносида очилади.
**2.** 2019 йил 26 февраль куни соат 10.00 да Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Шодлик кўчаси, 6-уй, Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси маъмурий биносида очилади.

**Танловга ҳужжатлар танлов ўтказилиши ҳақида эълон берилган кундан бошлаб 2019 йил 22 февраль куни соат 18.00 га қадар дирекцияда қабул қилинади.**

85Я/62

**«FPI DELIVERY SERVIS» МЧЖ**

**боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ва хашак ўришга мўлжалланган ихчам, қулай ҳамда камхаражатли мотокультиваторларни ва «LIUGONG» русумли экскаватор ҳамда бульдозерлар учун эҳтиёт қисмларни тавсия қилади.**

**«TIGUAN» русумли мотокультиваторлар 6, 9 ва 13 от кучига эга. Дизель ҳамда бензин ёнилғисида ишлайди.**



Маҳсулотлар сертификатланган.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 8-уй. Мўлжал: Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси. Маълумот учун телефонлар: 90-986-80-68, 90-968-56-77, 90-989-09-62, 71-234-35-71.**

**www.motoblok.uz**

30Я/22

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«Асака» банки**

**қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги узоқ муддатли янги омонат турларини таклиф этади:**

**«МАНФААТЛИ»**

***Омонат муддати — 18 ойгача. Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:***
*12 ой сақланса — **16** фоиз (йиллик);*
*13 ой сақланса — **17** фоиз (йиллик);*
*18 ой сақланса — **18** фоиз (йиллик).*

**«ИНВЕСТИЦИЯ»**
**(АҚШ долларида)**

***Омонат муддати — 25 ойгача. Омонат фоизи — 5 фоиз (йиллик).***
*Ҳисобланган фоизларни омонатчи ўз истагига кўра, амалда сақланган муддат учун олиши мумкин.*

**«Асака» банки, шу билан бирга, миллий ва хорижий валюталарда 26 турдаги муддатли омонатни қулай шартларда таклиф қилади.**
*Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.*

**Мурожаат учун телефонлар: 78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 78 | 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | 69 | 227-15-68 |
| «Автотранспорт» филиали | 78 | 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | 36 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 78 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 36 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 78 | 150-93-86 | Бухоро вилояти филиали | 65 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 71 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 65 | 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | 78 | 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | 66 | 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | 74 | 223-60-74 | «Афросиёб» филиали | 66 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 74 | 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | 75 | 221-07-41 |
| «Фарҳод» филиали | 74 | 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | 76 | 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | 73 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 61 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 73 | 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | 62 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 73 | 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | 67 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 73 | 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | 72 | 226-43-11 |

**Барча омонатингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
— декларация қилинмайди;
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

**«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz — Хизматлар лицензияланган.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ**

**МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК**

**онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Жиззах вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 268/2018-03-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 18 февраль** куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 3151210» | 1996 йил | 25/135 BAA | 0040650 |
| 2. | «УАЗ 31514010» | 1996 йил | 25/592 GAA | 0040661 |
| 3. | «УАЗ 31514» | 1996 йил | 25/124 BAA | 0040659 |
| 4. | «УАЗ 31514» | 1996 йил | 25/597 GAA | 0040657 |
| 5. | «УАЗ 31514» | 1997 йил | 25/593 GAA | 0040656 |
| 6. | «УАЗ 31512» | 1997 йил | 25/137 BAA | 0040651 |
| 7. | «УАЗ 31514» | 1997 йил | 25/125 BAA | 0040662 |
| 8. | «УАЗ 31512» | 1997 йил | 25/138 BAA | 0040660 |
| 9. | «УАЗ 31514» | 2001 йил | 25/140 BAA | 0040654 |
| 10. | «УАЗ 31514» | 2001 йил | 25/139 BAA | 0040652 |
| 11. | «УАЗ 31514» | 2003 йил | 25/144 BAA | 0040653 |
| 12. | «УАЗ 315142-017» | 2003 йил | 25/143 BAA | 0040658 |
| 13. | «УАЗ 315142012» | 2006 йил | 25/129 BAA | 0040655 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, О. Азимов кўчаси, «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармаси автогаражи.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

87J/59

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 60 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.30 Топширилди — 03.25 1 2 3 4 5